



ЎДК 634.25+

**ШАФТЛИ НАВЛАРИ МЕВАЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЦУКАТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ДЕГУСТАЦИОН БАҲОЛАШ**

Қурбонов Фазлиддин Фахриддин ўғли

*Академик М.Мирзаев номидаги боздорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот институти илмий ходими
qurbonovfazliddin9755@gmail.com*

Аннотация: Мазкур илмий мақолада шафтолининг истиқболли навлари меваларидан тайёрланган сукат маҳсулотларининг дегустацион баҳолаш натижалари келтирилган. Тадқиқот жараёнида тайёр маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, таъми, ҳиди, консистенцияси ва ранг жиҳатлари махсус шкала асосида баҳоланди. Олинган маълумотларга кўра, турли навлардан олинган сукатларнинг органолептик хусусиятлари сезиларли даражада фарқ қилиб, истеъмолчилик талабларига мослиги аниқланди. Хусусан, энг юқори дегустацион баҳо олган нав аниқланиб, саноатда қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: Шафтоли, навлар, цукат, дегустацион баҳолаш, органолептик кўрсаткичлар, таъм, ҳид.

Кириш

Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноатида истемолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, мева ва сабзавотлардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг нафақат физик-кимёвий кўрсаткичлари, балки уларнинг органолептик хусусиятлари ҳам энг муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Айниқса, меваларни қайта ишлаш орқали олинадиган ширинлик ва цукат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг ташқи кўриниши, ранги, таъми, ҳиди ҳамда консистенцияси истеъмолчилик талабларига тўла жавоб бериши талаб этилади, чунки бу хусусиятлар тайёр маҳсулотнинг бозордаги рақобатбардошлигини белгилайди.

Республикаимиз шароитида етиштириладиган шафтоли навлари меваларидан тайёрланган цукатларнинг сифатини ҳолис баҳолаш ва уларнинг истеъмолчилик хусусиятларини аниқлашда дегустацион таҳлил усуллари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқот шафтолининг истиқболли навлари меваларидан олинган цукат маҳсулотларини махсус баллар шкаласи асосида дегустацион баҳолаш, уларнинг органолептик кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш ҳамда саноатда энг мақбул навларни аниқлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган.

Тадқиқотнинг мақсади — Шафтолининг турли навларидан



тайёрланган сукат маҳсулотларининг органолептик ва дегустацион кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш орқали энг сифатли навларни аниқлаш.

Материал ва методлар

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси шароитида етиштирилган шафтолининг “Лола”, “Нектарин Ташкентский”, “Муяссар” ва “Чемпион” навлари меваларидан тайёрланган сукат намуналари асосида амалга оширилди. Тажриба жараёнида мевалар бир хил пишиш даражасида сараланиб, ювилди, данагидан тозаланди ва бир хил ўлчамдаги бўлақларга бўлинди. Шундан сўнг хомашё белгиланган технологик режимлар асосида шакар қиёмида пиширилиб, стандарт шароитда куриштиш жараёнидан ўтказилди ва тайёр сукат маҳсулотлари ҳосил қилинди.

Олинган тайёр маҳсулотларнинг органолептик ва дегустацион хусусиятларини баҳолаш учун малакали мутахассислардан иборат махсус дегустация комиссияси тузилди. Маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, ранги, таъми, ҳиди ва консистенцияси 5 балли шкала асосида қиёсий баҳоланди. Барча ўлчовлар ва таҳлиллар уч марталик такрорийликда бажарилиб, олинган рақамли маълумотларга математик-статистик ишлов берилди.





1-расм. Дегустацион баҳолаш.

Асосий қисм

Илмий тадқиқот давомида шафтоли меваларидан тайёрланган цукатларни дегустацион баҳолаш ишлари олиб борилди. Бунда институтнинг барча ходимлари таклиф этилган бўлиб шундан жами 10 киши баҳолаш комиссияси аъзолари этиб белгиланди ва уларга илмий тадқиқот мавзуси доирасида амалга оширилган шафтоли меваларидан тайёрланган цукатларни варианлари ва навлари кўрсатилмаган ҳолатда бланкалар тарқатилди ва уларга кетма-кетликда вариантлар асосида тайёрланган цукатлар таътиб кўриш учун тақдим этилди. Бу жараён давомида комиссия аъзолари бир бирлари билан суҳбатлашмаган ҳолатда ҳар бир тақдим этилган цукатларга ҳолисона баҳо бердилар.

1-жадвал

Шафтоли меваларидан тайёрланган цукатни ПЛЁНКА БИЛАН ХИМОЯЛАНГАН ЖОЙДА қурилганда уларнинг дегустацион баҳолаш баллари

	Нав ва вариантлар	5 баллик шкалада баҳоланади
--	-------------------	-----------------------------



		Ташқи кўриниши	Ра нги	Ҳи ди	Конс ис-тецияс и	Та ъми
.	Лола (И-вариант)	4,1	3,9	3,3	3,2	4,2
.	Лола (ИИ-вариант)	4,4	4,2	3,6	3,8	3,9
.	Лола (ИИИ-вариант)	4,3	4,1	3,5	4,3	4,1
.	Никтарин Ташкентский (И-вариант)	4,2	4,1	3,4	3,6	3,6
.	Никтарин Ташкентский (ИИ-вариант)	3,9	3,5	3,1	3,7	4,0
.	Никтарин Ташкентский (ИИИ-вариант)	4,4	4,5	3,3	4,0	4,2
.	Муяссар (И-вариант)	3,2	3,2	3,2	3,5	3,3
.	Муяссар (ИИ-вариант)	4,2	4,1	3,4	3,6	3,6
.	Муяссар (ИИИ-вариант)	3,9	3,5	3,1	3,7	4,0
0.	Чемпион (И-вариант)	3,1	3,4	3,3	3,1	3,0
1.	Чемпион (ИИ-вариант)	3,8	4,0	3,2	3,3	3,1
2.	Чемпион (ИИИ-вариант)	3,5	3,2	3,0	3,1	3,9

Шафтоли меваларидан тайёрланган цукатни плёнка билан химояланган жойда қуритилганда Лола навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 4,3 баллни, ранги 4,1 баллни, ҳиди 3,5 баллни, консистенцияси 3,8 баллни, таъми 4,1 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 2 вариант (10x4x6) 1x1,5 нисбатда яхшироқ экани аниқланди.

Никтарин Ташкентский навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 4,1 баллни, ранги 4,0 баллни, ҳиди 3,3 баллни, консистенцияси 3,8 баллни, таъми 3,9 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча



кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 3 вариант (10x4x8) 1x2 нисбатда яхшироқ экани аниқланди.

Бу кўрсаткичлар эса Муяссар навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 3,8 баллни, ранги 3,6 баллни, ҳиди 3,2 баллни, консистенцияси 3,6 баллни, таъми 3,6 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 3 вариант (10x4x8) 1x2 нисбатда яхшироқ экани аниқланди.

Чемпион навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 3,5 баллни, ранги 3,5 баллни, ҳиди 3,2 баллни, консистенцияси 3,2 баллни, таъми 3,3 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 2 вариант (10x4x6) 1x1,5 нисбатда яхшироқ экани аниқланди.

Бундан кўриниб турибдики умумий қилиб айтганди дегустацион баҳолаш ўтказилганда плёнка билан ҳимояланган жойда қурилган цукатлар ичида Лола навининг барча кўрсаткичлари қолган (Нектарин Ташкентский, Муяссар ва Чемпион) навларга нисбатан яхшироқ баҳоланганини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Шафтоли меваларидан тайёрланган цукатни СУНЪИЙ ҚУРИТИШ УСКУНАСИДА қурилганда уларнинг дегустацион баҳолаш баллари

	Нав ва вариантлар	5 баллик шкалада баҳоланади				
		Ташқи кўриниши	Ранги	Ҳиди	Консис-тецияси	Таъми
.	Лола (И-вариант)	4,1	4,0	3,6	4,2	4,4
.	Лола (ИИ-вариант)	4,9	4,8	3,5	3,4	4,0
.	Лола (ИИИ-вариант)	4,2	4,0	3,6	3,8	4,2
.	Нектарин Ташкентский (И-вариант)	4,0	4,1	3,4	4,3	4,2
.	Нектарин Ташкентский (ИИ-вариант)	4,1	4,0	3,3	3,4	4,1
.	Нектарин Ташкентский	3,9	4,2	3,4	3,5	4,0



	(ИИИ-вариант)					
.	Муяссар (И-вариант)	3,5	3,4	3,2	3,8	3,7
.	Муяссар (ИИ-вариант)	4,2	4,2	3,5	3,8	4,4
.	Муяссар (ИИИ-вариант)	3,8	4,0	3,6	4,0	4,2
0.	Чемпион (И-вариант)	3,3	3,5	3,1	3,3	3,2
1.	Чемпион (ИИ-вариант)	3,5	3,9	3,3	3,1	3,3
2.	Чемпион (ИИИ-вариант)	3,3	3,1	3,5	3,3	3,7

Шафтоли меваларидан тайёрланган цукатни сунъий куритиш ускунасида куритилганда Лола навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 4,4 баллни, ранги 4,3 баллни, ҳиди 3,5 баллни, консистенцияси 3,8 баллни, таъми 4,2 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 2 вариант (10x4x6) 1x1,5 нисбати яхшироқ экани аниқланди.

Нектарин Ташкентский навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 4,0 баллни, ранги 4,1 баллни, ҳиди 3,4 баллни, консистенцияси 3,7 баллни, таъми 4,1 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 1 вариант (10x4x4) 1x1 нисбати яхшироқ экани аниқланди.

Бу кўрсаткичлар эса Муяссар навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 3,8 баллни, ранги 3,8 баллни, ҳиди 3,4 баллни, консистенцияси 3,8 баллни, таъми 4,1 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 1 вариант (10x4x4) яхшироқ экани аниқланди.

Чемпион навининг 3 та вариантыда ўртача ташқи кўриниши 3,4 баллни, ранги 3,5 баллни, ҳиди 3,3 баллни, консистенцияси 3,2 баллни, таъми 3,4 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлари бўйича энг яхшиси бу 3 вариант (10x4x8) 1x2 нисбати яхшироқ экани аниқланди.

Бундан кўриниб турибдики умумий қилиб айтганди дегустацион баҳолаш ўтказилганда сунъий куритиш ускунасида куритилган цукатлар ичида Лола навининг барча кўрсаткичлари қолган (Нектарин Ташкентский, Муяссар ва Чемпион) навларга нисбатан яхшироқ баҳоланганини кўришимиз мумкин.



Хулоса

Шафтолининг Лола, Нектарин Ташкентский, Муяссар ва Чемпион навларидан тайёрланган цукатларимизни дегустацион усулда баҳолаганимизда Лола навидан тайёрланган цукатлар бошқа (Нектарин Ташкентский, Муяссар ва Чемпион) навларга нисбатан ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, таъми жиҳатдан яхшироқ экани маълум бўлди. Лола навидан тайёрланган цукат варианларининг ичида энг яхшиси бу 2 вариант (10x4x6) 1x1,5 нисбат эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Азизов “Мева сабзавотларни бирламчи қайта ишлаш технологияси” Тошкент 2012
2. Х.Б.Шоумаров, М.М.Мирзаев, Р.Ж.Жўраев, Ж.Н.Файзиев. “Фермерлар учун мева, узум ва сабзавотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш бўйича” Тавсиянома Тошкент 2007
3. Ҳ.Буриев, Р.Ризаев “Мева-узум маҳсулотлари биокимёси ва технологияси” Тошкент “Меҳнат 1996”
4. М.М.Мирзаев, Р.М.Ризаев. “Мева-узум маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш” Ижод Дунёси 2003
5. Х.Буриев, Р.Жураев, О.Алимов “Мева-сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш” Тошкент 2002
6. Х.Б.Шоумаров, С.Я.Исломов. “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси” Тошкент “Инноватция Зиё” 2020